O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 221299

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 14 декабрь, сешанба • № 147 (25.542).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

А.О.Файзуллаевни Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Алишер Омонуллаевич Файзуллаев Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри
1999 йил 13 декабрь

Ўзбекистон-Россия: ҲАМКОРЛИК КУЧАЙМОҚДА



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Россия Федерацияси ҳукумати раиси Владимир Путин 10-11 декабрь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда меҳмон бўлди.

Ташрифнинг асосий ва муҳим қисми Дўрмон қароргоҳида бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ҳамда Владимир Путин яккама-якка учрашиб, шу куннинг долзарб масалалари, ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари тўғрисида фикр алмашди. Иқтисодий ҳамкорлик давлатларимиз ўртасидаги борди-келди, олди-сотдини ривожлантиришга қаратилган, аммо муҳими фақат бунда эмас. Мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти молия, савдо-сотиқ, маҳсулот ишлаб чиқариш тизими қандай йўлга қўйилгани, дунёдаги илғор давлатлар билан қай даражада шериклик қилишига боғлиқ. Шундай экан, хорижий давлатлар, жумладан, Россия билан иқтисодий ҳамкорликни янада кучайтириш нафақат бугун, балки келажак учун ҳам зарур.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида товар айланмаси ҳажми сўнгги йилларда бироз қисқарган. Бу масалани ижобий ҳал қилиш, яъни товар айланмаси ҳажмини кенгайтириш давлатларимиз олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади. Шунингдек, учрашувда минтақавий хавфсизлик ва халқаро террорчилик муаммоси ҳам суҳбат мавзуига айланди. Таъкидландики, давлатлар осойишталигига хавф солаётган халқаро терроргa ҳамжиҳат бўлиб курашмоқ даркор. Бунга икки томоннинг ҳам муносабати бир хил. Бутун дунёда таҳлика пайдо қилаётган бу иллат бугун таг-томири билан йўқотилмас экан, у эртага бундан ҳам ашаддий тус олади. Айтиш мумкинки, фаровон келажак қуриш бугун хавфсизлик чоралари нечоғли қатъий йўлга қўйилгани билан кафолатланади.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида икки давлат ўртасидаги иқтисодиёт, хавфсизлик, мудофаа саноати, божхона ва бошқа соҳалар бўйича ҳамкорликни чуқурлаштириш масалалари муҳокама этилди. Мазкур масалаларнинг ижобий ҳал қилинишидан ҳар икки томон ҳам бирдек манфаатдор эканлигини томонлар очиқ эътироф этди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида дипломатик муносабатлар 1992 йили ўрнатилган. Шундан буён ўзаро ҳамкорлик изчил ривожланиб бораяпти. Ўтган йиллар ичида турли мақсадларга йўналтирилган 150 дан ортиқ ҳужжат имзоланган. Жумладан, молия, маданият, фан ва техника, таълим, ахборот, спорт ва сайёҳлик бўйича, шунингдек, иқтисодий интеграцияни кучайтириш ва ҳарбий соҳада ҳамкорлик бўйича ҳужжатлар бор. 1998 йилнинг май ойида Ислом Каримовнинг Россияга ташрифи, ўз навбатида ўша йилнинг октябрида Россия Президенти Борис Ельциннинг Ўзбекистонга ташрифи давлатларимиз бирдамлигини янада мустаҳкамлади, дейиш мумкин. Бу ташрифлар чоғида ҳамкорликда «Ил» русумли самолётлар ишлаб чиқариш, 1998-2007 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Дўрмондаги музокаралар жуда самарали ўтди, десак хато бўлмайди. Томонлар кун тартибидаги масалалар юзасидан атрофлича фикрлашди. Музокаралардан сўнг, Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Владимир Путин Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги шартномани имзолади. Шунингдек, икки мамлакат божхона қўмиталари ўртасида акциз солиғи солинган товарларнинг ҳаракати устидан божхона назорати ўрнатишни ташкил этиш борасида ҳамкорлик ҳамда ташқи савдо бўйича божхона статистикаси соҳасида тажриба ва ахборот алмашиш тўғрисидаги протоколлар, Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати билан Россиянинг ҳукумат алоқаси ва ахборот бўйича федерал агентлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома қабул қилинди.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг, матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Ислом Каримов ва Владимир Путин Ўзбекистон-Россия муносабатлари, Чечнистондаги воқеалар, бугунги музокаралар бўйича журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Россия ҳукумати раҳбари В. Путин Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида В. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига келиб, ушбу корхона фаолияти билан танишди. Шунингдек, Рус академик театри, Темурийлар тарихи давлат музейини зиёрат қилди.

(ЎзА)

Суратда: Дўрмон қароргоҳидаги учрашув пайти
Р.Жуманиёзов(ЎзА) олган сурат

Мақсад - демократия!

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Абдулҳафиз Жалоловнинг Нукус шаҳридаги (1999 йил 10 декабрь) сайловолди учрашувида сўзлаган нутқи

Азиз биродарлар!
Муҳтарам сайловчилар!
Қадрли сайловчилар вакиллари!

Мен авваламбор, сизлар билан ушбу улуғ аём кунлари — муқаддас Рамазон ойи бошларида Ватанимизнинг, агар,унинг пойтахти — Тошкент шаҳрини ҳисоб нуқтаси, деб оладиган бўлсак, масофавий-жўғрофий жиҳатдан, олис, бироқ туташ кўнгил ва диллар нуқтаи назаридан, жуда яқин ўлкаси — Қорақалпоқ заминида бизни бу ерга олиб келган муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа боис учрашиб, дийдор кўришиб турганимдан беҳад ҳурсандман.

Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи — мамлакат Президентининг мақоми, ваколатлари ҳамда вазифаларини белгилаб берган Ўзбекистон Конституциясида айтилишича: «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади». **Демократия,** бу, албатта, — сайлов демакдир. Сайлов эса **танловдан** иборат. Танлаш 2 та ёки ундан ортиқ **номзодлар орасидан** бўлиши мумкин.

Бугунги сизлар билан учрашувимизнинг, асосан, 3 та жиҳати, томони, мақсади ва вазифаси бор.

Биринчидан, 2000 йилнинг 9 январь кунига белгиланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ўзбекистон ХДПдан кўрсатилган номзод билан учрашув ва унинг сайловолди дастурининг мазмуни билан сизларни таништириш. Бу — масаланинг сиёсий томони;

Иккинчидан, умуман, сайлов натижалари қандай бўлишидан қатъий назар, мустақил Ўзбекистон, унинг халқи олдида қатор вазифалар турибди. Ярим миллиондан зиёд озод Ватанимиз фуқароларини ўз қаторида бирлаштирган Ўзбекистон ХДП ушбу вазифаларни ҳал этишда, албатта, фаол иштирок этади. Шу боис, уларни таҳлил этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Учинчидан, мустақиллик йўлидан ривожланишнинг 8 йилдан мўлроқ даври мобайнида, биз, муайян, ҳеч ҳам инкор этиб бўлмайдиган ютуқларни қўлга киритдик. Уларга, сайловлар муносабати билан, баҳо бериш ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки, бугунги вазифалар уларнинг мантиқий давоми ва ривожидир.

Мана шулар сизлар билан бугунги учрашувдаги суҳбатимизнинг, фикримча, асосий маъноси ва мазмунини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ўз номзоди билан иштирок этиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Халқ демократик партияси учун мураккаб ва масъулиятли сиёсий қадам бўлди.

Партиямизнинг III Қурултойи бундай қарорни қабул қилаётганида, **бир томондан**, ташкилотимизнинг ушбу сайловда фаол иштирок этиб, мамлакатимизда кечаётган демократик жараёнлар ривожига ҳисса қўшишини кўзда тутган бўлса, **иккинчи томондан,** унинг натижасида жиддий сиёсий тажриба тўплаш мумкинлигини ҳисобга олди. Бу, албатта, партиямиз, ундан кўрсатилган номзод зиммасига бутун халқимиз олдида улкан масъулият юклайди.

Мустақилликнинг эълон қилиниши туфайли, дунё харитасида, эндиликда, жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган, янги давлат — Ўзбекистон Республикаси — пайдо бўлди.

Мамлакатда собиқ Иттифоқдан қолган мерос — **мафкуравийлаштирилган, мустабид, маъмурий-буйруқбозлик тизими негизлари барҳам топтирилди. Эркин бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган демократик давлатнинг конституциявий ва ҳуқуқий асослари яратилди.** Буларнинг заминида давлат ва жамиятни, иқтисодиётни, молия ва пул муомаласини, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларни ташкил қилиш ҳамда уларни бошқаришнинг мутлақо янги амалиёти вужудга келтирилди.

Мамлакатнинг, хусусан, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги ҳолати ва обрў-эътиборининг юксалиши манфаатларига хизмат қилувчи, **ташқи сиёсати ва ташқи иқтисодий алоқаларининг мустақил йўли** шакллантирилди. Республика чегаралари дахлсизлиги ва суверенитетини ҳимоя қилишга қодир янги **миллий армия** ташкил этилди. Давлатда, бутунлай янги асосларда, ундаги **хавфсизлик ва ижтимоий тартибни** таъминлай оладиган тизим яратилди.

Республиканинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётида кўзга кўринарли, салмоқли ўзгаришлар **иқтисодий ўсиш суръатлари, макроиқтисодий барқарорлик** юз берди. **Ўзбекистоннинг ёқилғи ва дон мустақиллигига** эришилди. Амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар таъминланмоқда. Иқтисодиёт ва жамиятда мулкий муносабатлар, айниқса, **хусусий мулк ва мулкдорнинг** ўрни ҳамда аҳамияти мустаҳкамланмоқда. Кўплаб **ишлаб чиқариш иншоотлари** қурилиши таъминланмоқда, шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси ўзгармоқда, улар обод ва ошуфта бўлмоқда, одамларнинг моддий ва ижтимоий ҳаётида ижобий ўзгаришлар юз бераётир.

Жамиятда **янги маънавий ва ахлоқий қадриятларнинг устуворлиги** таъминланмоқда. Халқ ҳаётида тарихий, миллий ва маънавий қадрият ҳамда анъаналар қайта тикланмоқда, жамиятнинг маънавий ривожида диннинг ўрни ва аҳамияти таъминланмоқда. **Миллатни ҳурликка даъват этган, Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги учун курашда қаҳрамонлик кўрсаттан қатағон қурбонлари — шаҳид бўлган ватандошларимизнинг муқаддас хотирасини абадийлаштириш** йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг аҳамияти беқиёс.

Ўтган даврнинг энг асосий натижаларидан бири — **одамларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигининг ошиши,** уларнинг онги, руҳияти ва ҳаётга бўлган муносабатининг ўзгариши бўлди. Ўзбекистон халқи жамиятни ислоҳ қилиш жараёнининг фаол иштирокчисига айланди. **Унинг ўз кучига, мамлакат келажагига ишончи, бутун ҳаётимизнинг янгиланиши заруриятини чуқур тушуниб етиши тобора** ортмоқда.

Мамлакатда ҳукм сураётган **барқарорлик, фуқаролар тинчлиги ва умуммиллий тотувлик** — амалга оширилаётган демократик ва иқтисодий ўзгаришларнинг табиий пойдевори ҳамда зарурий шартидир.

Ўзбекистоннинг саккиз йилдан мўлроқ давр мобайнидаги эркин ривожланиш даврида босиб ўтган йўлининг асосий натижалари тўғрисида гапирар эканмиз, Ватанимизнинг миллий мустақиллигини эълон қилган, бутун мамлакатимизнинг халқи сайлаган, унинг биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг буларга эришишга қўшган беқиёс ҳиссаси ҳақида, алоҳида айтмаса бўлмайди.

И.А.Каримов мустақил Ўзбекистоннинг ўз ижтимоий тараққиёти йўли асосий негизлари ва йўналишларини ишлаб чиқишнинг нафақат ташаббускори бўлди. Мустақиллик йилларида у кишининг раҳбарлигида мазкур сиёсатни амалга оширишни таъминлаш бўйича катта ишлар қилинди.

Ички сиёсатда, бу — иқтисодиётни чуқур ислоҳ қилиш, уни маданий-маърифий бозор муносабатлари ўзанларига ўтказишга қаратилган амалий ҳаракатлардир. Бу — аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоялаш кучли сиёсатини изчил ўтказишдир. Бу — мамлакат ҳаётини демократиялаштириш, унда сиёсий фикрлар хилмахиллиги ва ҳақиқий кўппартиялилик учун тегишли шароитлар яратиш, жамиятнинг маънавий янгиланишини таъминлашнинг жиддий қадамларидир.

Ташқи сиёсатда Ислом Абдуғаниевич Каримов ўзини тинчлик, Ўзбекистоннинг барча мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини йўлга қўйиш, Марказий Осиёда барқарорликни таъминлаш, бир қатор кескин муаммоларнинг жамоавий тарзда ҳал қилиниши тарафдори сифатида кўрсатди.

У кишининг ташаббускорлиги ва раҳбарлигида олиб борилаётган давлатимиз сиёсати халқ томонидан маъқулланиб, халқаро ҳамжамиятнинг қўллаб-қувватлашига сазовор бўлмоқда.

Бугун, халқимиз, кенг жаҳон жамоатчилигининг нигоҳида И.А. Каримов: Ўзбекистон мустақиллиги, унинг миллий истиқлолининг ёрқин тимсоли; юртимиз тинчлиги, осойишталиги ва барқарорлигининг кафили; Ватанимизнинг буюк келажаги, унинг жаҳонда ўзига муносиб ўрин эгаллашининг байроқдоридир.

Жаҳон ҳамжамиятининг илғор давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллашга интилаётган мустақил мамлакатимизнинг демократик тараққиёт ўзанларидаги ривожланиши йўлига, ҳозирги кунда, стратегик жиҳатдан, бирон бир оқилона муқобил сиёсатнинг йўқлиги тўғрисидаги ҳақиқатни тан омай, **бугун Ўзбекистонда жиддий ва маъсулиятли сиёсатчи бўлиш мумкин эмас.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловларида фаол иштирок тўғрисида қарор қабул қилаётиб, Ўзбекистон Халқ демократик партияси III Қурултойи И.А.Каримовнинг, халқ томонидан қўллаб-қувватланаётган, бош мақсади — Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, мамлакатда барқарор бозор иқтисодиётига таянувчи, эркин демократик жамият қуриш, унинг ҳар бир фуқаросига инсонга муносиб ҳаётий шароитлар ва унинг фаровонлигининг юқори даражасини таъминлашга йўналтирилган, сиёсий йўлига қарши чиқишни кўзда тутгани йўқ.

Шу билан бирга, **сайловолди дастуримиз** ушбу бош мақсадларга монанд тарзда тузилган бўлса ҳам, сўзсиз, унда, авваламбор, партиянинг, ундан кўрсатилган номзоднинг, мустақил Ўзбекистоннинг XXI аср бўсағаси ва янги аср бошларида олдида турган вазифаларни адо этиш йўллари, усуллари ҳамда шакллари тўғрисида ўз нуқтаи назарлари, фикр-мулоҳазалари баён этилган.

Яъни, Президент сайловларида партиямиз нафақат муқобил номзод, балки, муқобил сайловолди дастур билан ҳам иштирок этмоқда. Бу — демократик ривожланиш йўлини танлаган мамлакатимиз, шунингдек, демократияни танлов имконияти, деб ҳисобловчи партиямиз учун ҳам, табиийдир.

Шу ўринда, сайловолди дастуримиз Ўзбекистоннинг ҳозирги раҳбарияти сиёсатидаги стратегик мақсадларига, умуман, мувофиқлигини яна бир бор таъкидлаш жоиздирки, бу унинг давомийлигини, демакки, жамиятдаги барқарорликни кафолатлайди.

Қадрли биродарлар!

Қонун устуворлиги — демократиянинг пойдор белгиси. Шундан келиб чиққан ҳолда, биз, ўзимиз учун қуйидагиларни ўта муҳим мақсад қилиб белгиладик:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, унинг барча амалдаги қонуларига содиқлик, уларнинг изчил амалга оширилиши ва мамлакат фуқаролари ҳуқуқлари ҳамда эркинликларининг рўёбга чиқиши йўлида сидқидилдан хизмат қилиш.

Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, мамлакатда демократияни — кучли фуқаролик жамияти ва унга монанд давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви тизимини изчил қарор топтириш, шунингдек, Ватанимизни илғор жаҳон ҳамжамияти давлатлари ўртасида муносиб ўрин эгаллаши манфаатларидан келиб чиқиб, қуйидагиларнинг бажарилишини, биринчи галдаги вазифалар сифатида, амалда таъминлаш ниҳоятда муҳим, деб ҳисоблаймиз:

Сиёсий соҳада: давлат ҳокимиятини халқнинг бевосита ва билвосита (унинг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари тимсолида) назорати остида бўлиши. Шундагина, давлат халқ манфаатларига сидқидилдан хизмат қилади; давлат ҳокимияти вакиллик идораларини, асосан, халқ томонидан, сиёсий партиялардан, сайлаб қўйиладиган депутатлар таркибидан иборат тарзда шакллантириш. Бу — фракция, фракция эса — куч ва масъулият демакдир; сиёсий партиялар жамиятдаги мавқеининг, уларнинг намояндалари томонидан давлат ҳокимияти вакиллик идораларида, сайловлар натижасида, эгаллаган ўринларидан келиб чиқиб, фарқланиши. Шундагина, рақобат, баҳс, натижа бўлади; давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятини **қонунийлик, партиявий масъулият, назорат** ҳамда **кафолат** асосида қуриш. Бу — кадрлар учун таянч ҳамдир; давлат ҳокимиятининг учта - қонунчилик-вакиллик, ижроия, суд тармоқлари ва уларнинг марказий, минтақавий ҳамда маҳаллий идораларининг, қонунларда аниқ белгилаб қўйилган, ўз ваколатларини, том маънода мустақил амалга оширишлари. Номустақиллик — масъулиятсизликни келтириб чиқаради; фуқаролар ўзини ўзи бошқариш идораларининг, ўзларининг қонунларда белгиланган ваколатларини бажаришдаги, чинакам, жумладан молиявий-иқтисодий, мустақиллиги. Зеро, иқтисодий мустақиллик бўлмаган жойда бошқа ҳеч қандай мустақиллик бўлмайди; оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини янада кучайтириш, пировард натижада, уларнинг масъулиятини фақат қонунлар доираси билан чекланган бўлишлиги. Улар маҳкаманинг эмас, Оллоҳнинг, одамларнинг нигоҳи бўлишга даъват этилган; энг оддий фуқаро овозининг жамиятда баралла эшитилиши, унинг катта сиёсатга таъсир эта билиш имкониятларининг мавжудлиги. Бусиз демократиянинг бўлиши мумкин эмас; барча давлат идоралари, уларнинг мансабдор шахслари томонидан қонунларга сўзсиз итоат этишнинг, бундан ҳеч ҳам бўйин товлай олмасликларининг жиддий **(етакчи, идора этувчи ва муҳолиф сиёсий партиялар фаолиятини тақоза этувчи)** мурватларини яратиш; жамоат ташкилотлари барча кўриниш ва шаклларининг, халқ оммаси ташкилий уюшқоқлиги тимсоли сифатида, жамият ва давлатни бошқаришдаги фаол иштироки; кўзланаётган барча олийжаноб мақсадларга эришишнинг қонуний - ҳуқуқий негизларини яратиш, уларни мунтазам такомиллаштириш ва ҳоказо.

Иқтисодий соҳада: иқтисодий эркинликнинг шахс, инсон ҳурлиги барча шаклшамойилларининг дастлабки, туб, ҳал қилувчи асоси бўлишлиги; ҳар бир фуқа-

(Давоми 2-бетда)

Саховат — энг эзгу фазилат

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Тошкент шаҳридаги 100-полиомиелит ва мия фалажи билан хасталанган болалар мактаб-интернати тарбияланувчиларига хаста болаларнинг кўнглини кўтариш, турмуш шароитини яхшилаш, таълим-тарбия жараёнларини замонавийлаштириш, даволаш мақсадларига сарфлаш учун ўзининг мамлакатимизда ва хорижда чоп этилган китобларининг қалам ҳақи ҳисобидан 500 минг сўм ва 10 минг АҚШ доллари миқдоридаги шахсий маблағини ҳадя этди. Шунингдек, мактаб-интернат тарбияланувчиларининг барчасига бир сидрадан кийим-кечак совға қилинди.

Совғаларни топшириш маросимида Президент девони Ахборот-таҳрир хизматининг раҳбари Х.Султонов юртбошимизнинг мактаб-интернат жамоасига йўллаган мактубини ўқиб эшиттирди. Унда хасталикка чалинган болаларга таълим-тарбия бераётган, даволаётган меҳрибон мураббий ва шифокорлар меҳнати юксак баҳоланган. «Сизларнинг алоҳида эътибор ва меҳрга муҳтож бўлган ногирон болаларни ғамхўрлик билан парвариш қилиб, уларга қалб кўрингизни бағишлаб, билим ва тарбия бераётганингиз ғоят савобли ишдир... Саховат, меҳр-шафқат, мададга муҳтож одамларнинг оғирини енгил қилиш, ҳамдард бўлиш — халқимизнинг эзгу фазилатидир", деб таъкидланади мактубда. Интернат ўқувчиларини фарзандларим, деб атаган Президентимиз уларга Яратгандан сиҳат-саломатлик, мустаҳкам ирода ва бахт-саодат тилайди.

Президент ҳадяларини топшириш маросимида сўз олган интернат мураббийлари ва ота-оналар «Савоб ишни ҳар кун қилиш керак, савоб ишни ҳар ким қилиши керак", деган ибратли ибора бугун амалда тасдиғини топиб турганини айтишди. Тарбияланувчилар номидан гапирган Маъмур Хўжаев эса Президентнинг давлат ишларидан ортиб, ногирон болалар ҳолидан хабар олишга, турмушини енгиллатишга, руҳини кўтаришга имкон топганидан барча болаларнинг кўнгли тоғдай кўтарилганини таъкидлади. «Биз йилига уч-тўрт мартадан совға оляпмиз. Бу эътибор ва ғамхўрлик бежиз кетмайди, албатта. Биз Президентнинг ишончини албатта оқлаймиз, ўз миннатдорлигимизни нафақат сўзда, амалда ҳам исбот қиламиз", деди у.

Биз — меҳрга муҳтож болаларнинг тарбиячилари, — деди мактаб-интернат директори Муқаддас Мираҳмедова, — Президентимиз хайр-саховатда ҳам кўпчилигимизга намуна кўрсатаётганидан беҳад қувондик. Мамлакатимизнинг барча фуқаролари у кишидан ибрат олмоғи керак.

Интернат мураббийлари Президентимиз шу йил февраль ойида ҳам ўз китоблари учун олган қалам ҳақининг бир қисмини ёрдам сифатида мазкур мактабга ҳадя этганини, бу маблағ ногирон болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш ва таълим жараёнларини такомиллаштиришга сарф этилганини айтишди. Бу сафарги ёрдам ҳам ана шундай эзгу мақсадлар учун сарфланишини таъкидлашди.

Шунингдек, Самарқанддаги 10-меҳрибонлик уй-лицейида тарбияланаётган болалар ҳам Президент совғаларини олди. Бу ерда ҳам меҳрга муҳтож болаларнинг кўнглини кўтариш йўлида кўпдан-кўп хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш ҳамда болалар истеъдодини юзага чиқариш йўлидаги изланишлар шунинг бир қисмидир. Бу даргоҳ тарбияланувчиларининг ҳунармандлиги, ташаббускорлиги кўпларга маълум. Улар республика миқёсида ўтказилаётган турли кўрик-танловларда муваффақиятли қатнашиб, совринли ўринларини қўлга киритмоқда.

Уй-лицей қошида ташкил этилган «Бинафша» фольклор-этнографик даста аъзолари эса бу йил республика танловида юксак баҳога сазовор бўлди. Бундай ютуқлар, шубҳасиз, эл назарига, юртбошимиз эътиборига тушди. Президентимиз шу муносабат билан уй-лицей жамоасига катта меҳр-муҳаббат билан йўғирилган мактуб йўллади. Унда, жумладан, шундай сатрларни ўқиш мумкин:

«Ота-она меҳрига муҳтож болаларнинг бошини силаш, кўнглини кўтариш, ҳаётида тўғри йўл танлаб олишига ёрдам бериш азалий шарқона фазилатдир. Сизлар савобли меҳнатингиз билан бағрикенг халқимизнинг ана шу эзгу анъанасини давом эттириб, соғлом авлод тарбиялашдек муқаддас ишимизга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқдасиз.

... Сизнинг жамоангизга бўлган ҳурмат-эҳтиромим, жондан азиз фарзандларимизга чексиз меҳрим ифодаси сифатида сўнгги йилларда чоп этилган китобларим учун берилган қалам ҳақидан 500 минг сўм ва 10 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағни меҳрибонлик уйи ҳисобига ўтказишга қарор қилдим.»

Мазкур жамоада ҳам ана шу мактуб ва ҳадяни топширишга бағишланган маросим бўлди. Мактубни Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Рисқиев ўқиб эшиттирди. Маросим чоғида бу ерда тарбияланаётган ўғил-қизнинг ҳар бирига Президент номидан кийим-кечак ҳам совға қилинди.

Мусулмон НАМОЗОВ,
Ҳамза ШУКУРОВ,
ЎзА мухбирлари

Сайловчилар билан учрашув

Жиззахда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан мамлакатимиз Президентлигига номзод Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалоловнинг вилоят сайловчилари билан учрашуви бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 4-Жиззах округ сайлов комиссиясининг раиси Х. Шукуров очди.

Президентликка номзод А. Жалоловнинг ишончли вакили Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жиззах вилояти кенгашининг биринчи котиби И. Умирзоқов сайловчиларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди. Ишончли вакил А. Жалолов таниқли олим, жамоат арбоби сифатида республика мустақиллигининг маънавий негизини мустаҳкамлашда фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг самарали иштирокини таъминлашга қаратилган таъсирчан илмий-ташкилий чоралар кўраётганлигини, у раҳбарлик қилаётган партия сафлари эса йилдан йилга ўсиб, ғоявий сиёсий ва ташкилий томондан мустаҳкамланиб, мамлакатнинг етакчи сиёсий кучларидан бирига айланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда сўз олган Президентликка номзод А. Жалолов сайловчиларни ўз дастури билан таништирди. Нотиқ Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, мамлакатда демократияни, кучли фуқаролик жамияти ва унга монанд давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув тизимини изчил қарор топтириш, жумладан, Ватанимизни жаҳон ҳамжамияти ўртасида муносиб ўрин эгаллаши манфаатларидан келиб чиқадиган вазифаларга тўхталди.

Учрашувда сўзга чиққан Республика Маънавият ва маърифат маркази Жиззах шаҳар бўлими бошлиғи Шаҳло Аҳророва, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ғаллаорол туман кенгаши биринчи котиби Бурҳон Темиров, Дўстлик туманидаги «Истиқбол» фуқаролар йиғини раиси Собир Усмонов ва бошқалар сайловчиларни 2000 йилнинг 9 январь куни бўладиган Президент сайловида мустақил мамлакатимизнинг озод ва обод келажаги учун сидқидилдан меҳнат қилишга чоғланган муносиб номзод учун овоз беришга даъват этдилар.

Йўлчи ЖЎРА,
ЎзА мухбири

1999 йил 5 декабрда бўлиб ўтган сайловда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайланган депутатлар рўйхати

250 та сайлов округидан олий мажлисга 184 нафар депутат сайланди. Ҳозирча ЎзХДПдан кўрсатилган номзодлар ичидан 32 нафар сафдошимиз ғолиб чиқди. Биз уларни самимий қутлаймиз! Келаётган якшанба куни бўладиган такрорий сайловда ҳам партиямиз кўрсатган номзодларга омад ёр бўлсин! Шу қутлуғ кунларда Оллоҳ ҳаммамизнинг юзимизни ёруғ этсин!

№	Депутатларнинг фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури)	Иш ва яшаш жойи	Сайлов округининг тартиб рақами ва номи
1	2	3	4	5	6
1.	Абдуллаев Абдухашим Абдуллаевич	1950	*Фарғона "Азот" ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори*	Қиргули тумани	195-Қиргули
2.	Асадов Илҳом Ашурович	1955	*Қашқадарё вилоят "Автотеххизмат" очиқ турдаги акционерлик жамияти раиси*	Қарши шаҳри	226-Косон
3.	Базарбаев Урман	1943	*Шаҳрихон тумани А.Саримсоқов номли ширкат хўжалиги раиси*	Шаҳрихон тумани	34-Юқори Шаҳрихон
4.	Базаров Баҳодир Кабилович	1961	*"Бухородонмаҳсулотлари" давлат акционерлик жамияти раиси*	Бухоро шаҳри	51-Тўқимачилик
5.	Бойжонов Ибадулла Самандарович	1947	*Урганч қурилиш коллежи директори*	Урганч шаҳри	203-Ал-Хоразмий
6.	Боймурадов Худойберди Мелибоевич	1957	*Тайлоқ туман "Боғизоғон" ижара хўжалиги бошқаруви раиси*	Тайлоқ тумани	122-Тайлоқ
7.	Джамалов Азамат Бадриддинович	1942	*Ўзбекистон Республикаси "Ёғмойтамакисаноати" ассоциацияси раиси*	Тошкент шаҳри	84-Камарсада
8.	Зайниев Нуритдин	1952	*"Муборакнефтгаз" нефть ва газ конлари бошқармаси бошлиғи*	Қарши шаҳри	227-Муборак
9.	Зайниев Мухитдин Фазлиевич	1957	*"Бухороёғ" акционерлик жамияти раиси*	Бухоро шаҳри	53-Галаосиё
10.	Зайнутдинов Ибрат Анварович	1948	*"Ўзбекнефтегаз" Миллий холдинг компанияси бошқаруви раиси*	Тошкент шаҳри	219-Ғузор
11.	Зокиров Мансур Исаевич	1959	*"Бухоротурист" акционерлик жамияти раиси*	Бухоро шаҳри	54-Вобкент
12.	Исмаилов Нимат Файзуллаевич	1949	*"Шаҳрисабзконсерва" ишлаб чиқариш акционерлик жамияти раиси*	Шаҳрисабз шаҳри	233-Шаҳрисабз
13.	Исмоилов Нурдинжон Мўйдинхонович	1959	*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси*	Тошкент шаҳри	96-Бахт
14.	Йўлдашева Гульнора Батировна	1935	*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитаси раиси, "Соғлом авлод учун" ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси раиси*	Тошкент шаҳри	103-Усмон Юсупов
15.	Кочмарик Изидор Андреевич	1943	*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш қўмитаси раиси*	Тошкент шаҳри	239-Тахиатош
16.	Кучеров Вадим Петрович	1941	*"Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат акционерлик жамияти бошкаруви раиси, бош директори*	Тошкент шаҳри	16-Самолётсозлар
17.	Мамажанов Мамарўзи Комилович	1958	*Фарғона тумани марказий шифохонаси бош врачи*	Фарғона тумани	201-Водил
18.	Матвеев Александр Алексеевич	1958	*"Новатор" ишлаб чиқариш бирлашмаси директорлар кенгаши раиси*	Тошкент шаҳри	13-Сергели
19.	Оманов Фармон	1938	*Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгаши биринчи котиби*	Қарши шаҳри	222-Чим
20.	Орипов Абдулла	1941	*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси*	Тошкент шаҳри	232-Бешчашма
21.	Рашидова Сайёра Шарофовна	1943	*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Ўзбекистон Фанлар академияси Полимерлар кимёси институти директори*	Тошкент шаҳри	69-Зомин
22.	Рузметов Арслон Ғоипович	1946	*"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси бош директори*	Тошкент шаҳри	208-Гурлан
23.	Саидов Назиржон Шамсутдинович	1948	*"Андижоннома" газетаси муҳаррири*	Олтинкўл тумани	47-Хартум
24.	Сафаева Машкура	1950	*Республика Олий суди ҳайъатининг раиси*	Тошкент шаҳри	228-Нишон
25.	Сигедин Виталий Николаевич	1937	*Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати бош директори*	Олмалиқ шаҳри	152-Олмалиқ
26.	Содиқов Абдулазизжон Абдулхамидович	1953	*Андижон вилояти Касаба уюшмалари кенгаши раиси*	Андижон шаҳри	27-Озодлик
27.	Хайдаров Миродил Махамаджонович	1956	*Қува тумани "Матлуботсавдо" акционерлик бирлашмаси бошқаруви раиси*	Қува тумани	199-Хўжа-Ҳасан
28.	Хакимов Назар	1951	*Қарши давлат университети ректори*	Қарши шаҳри	220-Деҳқонобод
29.	Хафизов Бахтияр Яхъяевич	1952	*"Ўзнефтгазқурилиш" акционерлик компанияси бош директори*	Тошкент шаҳри	61-Жондор
30.	Худояров Махамаджон Бердибоевич	1953	*"Янгийўл ёғ-мой" акционерлик жамияти раиси*	Янгийўл шаҳри	162-Янгийўл
31.	Чутбаев Урал Таштемирович	1949	*Шўрчи тумани Т.Бердиев номидаги жамоа хўжалиги бошқаруви раиси*	Шўрчи тумани	143-Шўрчи
32.	Шодиева Бўриташ Аминовна	1955	*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари*	Тошкент шаҳри	148-Узун

Мақсад — демократия!

(Давоми. Боши 1-бетда)

ронинг мулк, унинг шаклидан қатъий назар, соҳиби бўлиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш имкониятининг воқелиги.

Бу фақат яшаш ҳуқуқига тенг ҳуқуқдир; кўзланган ҳамма ижтимоий-фойдали ниятларга етишиш, вазифаларни уддалашда булардан ҳар бир кишининг **шахсий манфаатдорлигини** ҳисобга олиниши. Бусиз ҳеч нимага эришиб бўлмайди; ишлаб чиқарувчиларнинг ўз фаолият тури, унинг натижасида етиштирилган маҳсулотни сотиш бўйича нарх-навони мустақил белгилаш ва ундан келган даромадни, фойдани, ўз хоҳишига кўра, тасарруф этиш эркинлиги; кичик ва ўрта бизнесни кенг миқёсларда ривож топтириш; товарлар ва капиталнинг мамлакат ичида эркин ҳаракат қилиши ҳамда ташқи иқтисодий фаолият эркинлиги (амалдаги қонунларда кўзда тутилган чеклашлар бундан мустасно); иқтисодий ҳаётга оид ишончли ахборий хизмат тизимини жорий қилиш. Демократик жамиятда ахборот одамлар учун, бамисоли ҳаво каби, зарурдир; солиқ сиёсатини ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантирувчи омилга айлантириш. Гап унинг ҳажмида эмас, балки, қандай эканлигида, яъни уни шакллантиришда фуқароларнинг фаол иштирокида; давлат ҳокимияти, бошқаруви ва мансабдор шахсларнинг ишлаб чиқарувчилар хўжалик фаолиятига ғайриқонуний аралашувига йўл қўймаслик. Шундагина, давлат ижтимоий-маданий, мудоафа ва бошқа ўз вазифалари билан самарали шуғулланиш имкониятига эга бўлади; давлат ҳокимияти ва бошқаруви барча даражалардаги идораларининг, бозор муносабатларини инсоний, ижтимоий йўналиш ўзанларида ривож топиши заминларини яратишдаги, аҳамиятини ошириш чораларини кўриш, бозорни, зинҳор, ўз ҳолига ташлаб қўймаслик; бозор муносабатларининг, иқтисодий демократия сифатидаги, ривожланишига қаратилган қонунларни қабул қилиш, уларни муттасил ривожлантириб бориш ва ҳоказо.

Ижтимоий соҳада: адолатни қарор топтириш чораларини изчил рўёбга чиқариш; аҳолининг иш билан оқилона бандлиги ҳолатига эришиш; ишсизликни барҳам топтириш; меҳнатнинг инсон шахсини рўёбга чиқариш, унинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришдаги ҳал қилувчилик аҳамиятини ошириш; аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини аниқ муҳофаза этиш, жумладан уларнинг, пулнинг қадрсизланиши оқибатидаги, даромадларининг пасайишини, энг кам иш ҳақи ва меҳнат пенсиялари ҳажмларини тегишли даражада индексациялаш орқали, оқилона қоплаш; жамиятда болалар, ёшлар, хотин-қизлар мавқеини жиддий кўтаришнинг амалий чоратадбирларини кўриш; тиббий ёрдамнинг барча учун мақбул шаклларини вужудга келтириш; жамиятда ижтимоий муҳофаза тадбирларини амалга оширишда фаол иштирок этувчи жисмоний ва юридик шахсларни рағбатлантиришнинг иқтисодий-ҳуқуқий шароит ҳамда заминларини яратиш; порахўрлик, тўрачилик, таъмагирлик каби барча салбий иллатларнинг пайини қирқиш; мулкдорлар синфи, ўрта синфнинг фаол шаклланиши муҳитини вужудга келтириш; юқоридагиларнинг ҳаммасини жамиятдаги ижтимоий ва миллатлараро бирдамликни мустаҳкамлашнинг жиддий омилларига айлантириш. Зеро, Оллоҳ : дўст бўлиб, иноқликда яшангиз деб, одамзотни хар хил миллатлардан яратдим, деган; ижтимоий муносабатларнинг инсоний негизларда ривожланишининг қонуний-ҳуқуқий пойдеворини муттасил ривожлантириб бориш ва ҳоказо.

Маънавий соҳада: жамиятни, миллий яхлитлик ва халқнинг ижтимоий муштараклигини инсон шахси баркамоллигига эришишнинг макони, воситасига айлантириш; жамиятда миллий, шарқона ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига ҳамда уларга риоя қилинишига эришиш; ислом дини ва бошқа динларнинг тарбиявий аҳамиятини эътироф этган ҳолда, улардан ғаразли мақсадларда фойдаланилишига йўл қўймаслик; тарихга, миллий маданий, маънавий меросга ҳурмат руҳини қарор топтириш; илм-фан, таълим ва маърифатнинг, шунингдек, мазкур соҳаларда меҳнат қилувчи олим, ўқитувчи, мураббий, маърифатчи, тарғиботчиларнинг ижтимоий мавқеини беқиёс кўтариш; барча фуқароларни умумжаҳон, Шарқ халқлари ва миллий маданият дурдоналари, ютуқларидан баҳраманд қилиш имкониятларини муҳайё этиш; маънавият, ақлзаковат ва билимлиликнинг ҳамма соҳаларда раҳнома бўлишлиги ҳамда ҳар бир кишининг бундай фазилатлар соҳиби эканликдан шахсан манфаатдорлик муҳитини вужудга келтириш ва ҳоказо.

Мустақил Ўзбекистон жаҳонда тинчлик ва осойишталик тарофдори. Биз бунга оид тарихий, миллий, диний қадриятлар соҳибимиз. Соҳибқирон Амир Темур таъкидлаганидек, бутун инсоният бир азим дарахт бўлса, айрим халқлар унинг алоҳида шохларидирлар. Кимки ўзга халқларга нисбатан уруш ҳаракатларини бошласа, демакки, у ушбу дарахтнинг шохини кесган бўлади. Бегуноҳ одамнинг қонини тўкиш ислом динида бутун инсоният жонига суиқасд ҳисобланади.

Ҳадисларда айтиладики, Оллоҳ нариги дунёда иккита одамга қайрилиб ҳам қарамас экан: бири — қўшниси билан ёмон муносабатдаги киши бўлса, иккинчиси — қариндошлик ришталарини узган киши.

Ёки халқимизда шундай ақида бор: бутун дунё муоммалари бир чақолакнинг чирқираб йиғлашигаарзимайди.

Мустақиллик туфайли, биз, ушбу олийжаноб, эзгу инсоний фазилатларни халқаро, давлатлараро муносабатлар соҳасига ҳам татбиқ этиш имкониятига эга бўлдик.

Шулардан келиб чиқиб, **ташқи сиёсат ва миллий хавфсизлик ҳамда мудофаа соҳасида:** Ўзбекистоннинг барча узоқ ва яқин, хусусан Марказий Осиёдаги қўшни, давлатлар билан, миллий манфаатларимизга мос, ўзаро фойдали ҳамкорлигини янада ривожлантириш; минтақа ва жаҳонда тинчлик ҳамда барқарорлик учун зарур саъй-ҳаракатларни доимий равишда амалга ошириш; мамлакатнинг ҳудудий яхлитлиги ва халқнинг осойишталигини асраб-авайлашга хизмат қилувчи, уларга зиён етказишга йўл қўймайдиган даражадаги, махсус тайёргарлик ҳамда замонавий ҳарбий-техника, аслаҳага эга, Қуролли Кучлар, миллий хавфсизлик ва ички хизмат тизимларининг доимий шайлиги ва бошқалар.

Юқорида зикр этилганлар, уларнинг амалий ижроси, асосан, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси, бутун халқининг фаровонлигига, Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига, унинг азалий шонш-шуҳрати қайта тикланишига ва Ўзбекистоннинг буюк келажагини яқинлаштиришга хизмат қилади, деб ишонамиз.

Мазкур йўлдаги саъй-ҳаракатларда барчамизга омад ёр бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи айрим сайлов округларида такрорий овоз беришни ўтказиш кунини белгилаш тўғрисида

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11 ва 43-моддаларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ўтказилган сайлов натижалари тўғрисида тегишли округ сайлов комиссиялари тақдим этган баёнлар асосида қуйидаги 66 та сайлов округида 1999 йил 19 декабрь куни такрорий овоз бериш ўтказилсин:

Тошкент шаҳри бўйича:
2-Оқтепа сайлов округи
8-Миробод сайлов округи
12-Қорақамиш сайлов округи
18-Чилонзор сайлов округи
19-Мевазор сайлов округи
20-Шайхонтоҳур сайлов округи
21-Оқлон сайлов округи

Андижон вилояти бўйича:
26-Мустақиллик сайлов округи
35-Истиқлол сайлов округи
37-Асака сайлов округи

Бухоро вилояти бўйича:
55-Кумушкент сайлов округи
56-Фиришкент сайлов округи
58-Шофиркон сайлов округи
59-Пешку сайлов округи

Жиззах вилояти бўйича:
66-Зарбдор сайлов округи
72-Фориш сайлов округи

Навоий вилояти бўйича:
73-Навоий сайлов округи
81-Хатирчи сайлов округи

Наманган вилояти бўйича:
82-Поп сайлов округи
87-Мингбулоқ сайлов округи
89-Дўстлик сайлов округи
90-Наманган сайлов округи
92-Сардоба сайлов округи
94-Уйчи сайлов округи
98-Норин сайлов округи
101-Заркент сайлов округи

Самарқанд вилояти бўйича:
102-Боғишамол сайлов округи
105-Сўғдиёна сайлов округи
106-Темирйўл сайлов округи
107-Булунғур сайлов округи
112-Ғўзалкент сайлов округи
114-Нуробод сайлов округи
127-Қўшработ сайлов округи

Сирдарё вилояти бўйича:
129-Янгиер сайлов округи
131-Сайхун сайлов округи
132-Сирдарё сайлов округи

Сурхондарё вилояти бўйича:
135-Шеробод сайлов округи
139-Термиз сайлов округи
145-Хазорбоғ сайлов округи
146-Денов сайлов округи
149-Сурхон сайлов округи

Тошкент вилояти бўйича:
155-Тўйтепа сайлов округи
157-Кимёгар сайлов округи
161-Юқори Чирчиқ сайлов округи
166-Қизғалдоқ сайлов округи
167-Салор сайлов округи
169-Куйи Чирчиқ сайлов округи
172-Навбаҳор сайлов округи
173-Эски Қовунчи сайлов округи

Фарғона вилояти бўйича:
179-Чорсу сайлов округи
181-Данғара сайлов округи
182-Учкўприк сайлов округи
185-Бағдод сайлов округи
187-Олтиариқ сайлов округи
188-Риштон сайлов округи
189-Сўх сайлов округи
196-Тошлоқ сайлов округи

Хоразм вилояти бўйича:
216-Янгибозор сайлов округи

Қашқадарё вилояти бўйича:
224-Касби сайлов округи
230-Чироқчи сайлов округи
231-Кўкдала сайлов округи
234-Мироқи сайлов округи
235-Шаматон сайлов округи

Қорақалпоғистон Республикаси бўйича:
238-Университет сайлов округи
240-Хўжайли сайлов округи
248-Чимбой сайлов округи

Марказий сайлов комиссияси Раиси
Н. КОМИЛОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 10 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлари сайлови тўғрисида ахборот

Олий Мажлисга, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига 1999 йил 5 декабрда бўлиб ўтган сайлов мамлакатимиз фуқароларида катта сиёсий фаолликни жўш урдирди. Сайловда иштирок этган сиёсий партиялар кўпайганлиги, депутатликка бевосита фуқаролар томонидан ҳам номзодлар кўрсатилганлиги, сайлов кампаниясининг барча босқичлари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилганлиги ҳар кимга давлат ишларини бошқарувдаги ўз иштирокини, Ўзбекистон истиқболи учун масъулиятини ҳақиқий тарзда ҳис этиш ҳамда ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш имконини берди.

Депутатлар сайлови ҳамма ерда уюшқоқлик билан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ҳолда ўтди ҳамда Ўзбекистонда демократик жараённи янада ривожлантириш йўлида, ҳуқуқий давлат қуриш ишида яна бир муҳим қадам бўлиб қолди.

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Ўзбекистонда халқ депутатлари вилоят Кенгашларига сайлов ўтказувчи 669 та, туман Кенгашларига сайлов ўтказувчи 4617 та, шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи 859 та сайлов округи ҳамда 7723 та сайлов участкаси, шунингдек тегишли ҳудудий, округ ва участка сайлов комиссиялари тузилди. Барча сайлов комиссиялари таркибида 120 мингдан ортиқ киши иш олиб борди.

Маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига ҳаммаси бўлиб «Адолат» социал демократик партияси, «Ватан тараққиёти» партияси, «Миллий тикланиш» демократик партияси, Фидокорлар миллий демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатилган қарийб 17 минг номзод рўйхатга олинган эди. Ўрта ҳисобда вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи бир округ бўйича тўрт нафарга яқин, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи бир округ бўйича эса учтадан номзод руйхатга олинди.

Мамлакатимиз бўйича 12692202 нафар киши сайловчилар рўйхатига киритилган бўлиб, уларнинг 12061266 нафари ёки 95,03 фоизи овоз беришда иштирок этди.

Тегишли сайлов комиссияларининг маълумотларига қараганда барча округларда сайлов бўлиб ўтган деб топилди. 5 декабрдаги овоз бериш натижаларига кўра халқ депутатлари вилоят Кенгашларига 464 киши, туман кенгашларига 4112 киши ва шаҳар Кенгашларига 624 киши депутат этиб сайланган.

Маҳаллий вакиллик органларига сайланган депутатларнинг рўйхатлари тегишли оммавий ахборот воситаларида эълон қилинмокда.

Икки нафардан ортиқ номзод кўрсатилган ва улардан биронтаси ҳам депутат этиб сайланмаган 850 сайлов округида сайлов тўғрисидаги қонунга мувофиқ тегишли сайлов комиссияларининг қарори билан 19 декабрда такрорий овоз бериш ўтказилади.

Икки нафардан номзод кўрсатилган ва улардан биронтаси ҳам овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини олишга муваффақ бўлмаган 95 сайлов округида бир ой ичида такрорий сайлов ўтказилади.

Иккинчи чақириқ маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари депутатларининг умумий сони ва улар тўғрисидаги маълумотлар такрорий овоз бериш ҳамда такрорий сайлов ўтказилганидан кейин эълон қилинади.

Шаҳид

Шўро даври тарихини англаш ва уни ҳозирги мустақиллик даври билан қиёслаш истиқлолимизни муносиб қадрлаш имконини беради.

Ўша мустабид Шўролар тузуми «қаттол замон» тақозоси билан ўз даврида бири «қизил аскар», бири «босмачи», бири «қулоқ», «бири комиссар», яна бири «муштумзўр», яна қай бири «йўқсил» деб гуруҳларга ажратиб ташланди. «Бўлиб ташлаб ҳукмронлик қилиш» учун энг маккор усуллар ишга солиниб, бир миллат вакилларини бир-бирига қарши қайраш, адоват ва низо уруғини сочиш амалга оширилди.

Махсус уюштирилган «очарчилик операцияси» натижасида 1932-1933 йилларда 7 миллионга яқин киши ўлган. ВКП (б) Марказий Комитетининг 1930 йил 20 февралдаги «Жамоалаштириш ва иқтисодий жиҳатдан орқада қолган миллий туманларда қулоқларга қарши кураш тўғрисида»ги қарори Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистонда жамоалаштириш баҳонасида маҳаллий халқни қатағон қилишни назарда тутган эди. 1930-1931 йилларда Ўрта Осиёдан 6944 оила қулоқ сифатида сургун қилинди. Шундан 159 оила Қозоғистонга, 2213 оила Шимолий Кавказга, 3444 оила Украинага, 1128 оила Ўрта Осиёнинг айрим ҳудудларига сургун этилди.

Каховский районидаги Цукурный ҳудудида яшаган Нажмиддин Холиқов қарамоғида хотини ва 6 та боласи бўлган. У Шарифхўжа Юсуфхонов, хутордоши Холиқов, Султоновлардан йўл кира олиб, 1932-1933 йилларда 2 марта қочиб Ўзбекистонга нажот истаб келиб кетади. Ўзбекистондан сургун қилинганлар таъқибда эди. Оқибатда у ўз ватанига сиғмади. Хўроз ҳамма жойда бир хил қичқираётганига у ишонч ҳосил қилди. 1933 йил январь ойи бошларида рўзайи рамазон бошланди. Шу муносабат билан Нажмиддин Холиқов юртдошларини тўплашга ва комендатурага бориб озиқ-овқатни кўпайтиришни талаб қилишга чақирди. 5 январь куни кооператив дўкон олдида 10 эркак ва шунча аёл тўпланиб, сотувчини кутиб туришди. Шу жойда Н.Холиқов ҳам бўлиб, у тўпланганларга қарата шундай деди: «Ишчи учун махсус кўчириб келтирилганларга (спецпересселенцларга) озиқ-овқат маҳсулотлари жуда оз миқдорда берилмоқдаки, оқибатда жуда кўп ўзбеклар очликдан ўлиб кетмоқдалар. Агар аҳвол шу тарзда яна давом этаверса, ҳамма кўчириб келтирилганлар ўлиб кетади. Бунинг олдини олмоқ учун ҳаммамиз тўпланиб биргаликда комендатурага бориб, берилаётган озиқ-овқат миқдорини кўпайтиришни талаб қилишимиз зарур». Шу тарика Н. Холиқов ҳибсга олиниб, айбланиб, жиноий жавобгарликка тортилди. Нажмиддин Холиқовнинг ёши 57 да, Норин райони Қайқи қишлоғидан, касби деҳқончилик, ижтимоий аҳволи бой, 38 таноб ери, 2 та оти, 2 та ҳўкизи, 1та сигири, 6 хонали яшайдиган уйи бўлган, саводсиз, партиясиз, инқилобдан сўнг 4 йил Тожибой ва Умар қўрбошилар бошлиқ босмачилар тўдасида бўлган. 1930 йили колхоз қурилишига, советларга қарши тарғибот олиб борган. 1931йили Украинага қулоқ қилиниб бадарға этилган, судланмаган. Кўчириб келтирилган Н. Холиқов Цукурный ҳудудида якка ўзи яшаган, ҳеч қандай мулки бўлмаган, у советларга қарши тарғибот ишларини олиб боришда, ГПУ комендатурасида намойиш ўтказиб, кўчириб келтирилганларга берилаётган озиқ-овқат миқдорини оширишни талаб қилишда Шарифхўжа Юсуфхоновга ёрдам берганликда айбланди. Одесса вилояти ГПУси томонидан бу иш Украина Республикаси ГПУ коллегияси ҳузуридаги махсус кенгаш суддан ташқари ҳолатда кўриб чиқишликка тақдим этилган. (Херсон вилояти давлат архиви, 4033 — жамғарма, 7-рўйхат, 847 иш, 24-варақ).

1933-1937 йилларда Херсондаги ўзбек деҳқонлари ва уларнинг бола-чақалари мислсиз оғир аҳволда кун кечирдилар. Уларнинг ачинарли аҳволини ҳатто мансабдор расмий шахслар ҳам тан олишга мажбур бўлгандилар.

СССР Халқ Комиссари кенгаши қошидаги назорат комиссияси раиси Н. Антипов 1937 йил 13 майда Украина Коммунистик (Большевиклар) партияси Марказкоми котиби Косиорга йўллаган хатида шундай ёзган: «Одесса вилоятига пахтачилик совхозларида ишлаш учун кўчириб келтирилган ўзбеклар (трудпереселенцы узбеки)га нисбатан нотўғри муносабатида бўлаётганлиги ҳақида ўртоқ Фейгиннинг хатини Сизга юбормоқдаман. Айни вақтда ўртоқ Черновга аҳволни тузатиш учун чоралар кўришни, айбдорларни жавобгарликка тортишни таклиф қиламан».

В. Фейгиннинг Н. К. Антипов номига ёзган бу хатини айнан келтирамиз:

«Биз томонимиздан Одесса вилоятидаги пахтачилик совхозларида ўтказилган текширувда бу совхозлардаги ишлаш учун кўчириб келтирилган ўзбекларга мутлақо чидаб бўлмайдиган даражада муносабат бўлаётганлиги аниқланди.

Вилоятдаги 4 та совхозда ҳаммаси бўлиб 14713 киши ўзбеклардир, улардан 8751 киши меҳнат қилмоқда (қолганлари боқиманда). Бу пахтачилик совхозларидаги асосий ишчи кучидир. Маъмурият ва таъминловчи персонал томонидан ўзбекларга бўлган муносабатни буюк давлат шовинизми деган номдан бошқа ном билан аташ мумкин эмас. Ҳамма нарсада ўзбеклар билан ўзбек бўлмаганлар ўртасидаги тенгсизлик фарқи яққол ажралиб турибди, устига-устак ўзбек бўлмаганлар ўзбекларга қараганда ҳар доим имтиёзли мавқега эга.

Ўзбек оилаларининг аксарият кўпчилигида кроватлар йўқ, матрацлар, одеял ва ёстиқлар йўқ. Оёқ кийими ва кийим-кечак етишмовчилиги сабаб аҳвол ниҳоятда аянчли, айни вақтда совхозлардаги рус аҳолиси бундай буюмлар билан анча яхши таъминланган.

Бундай аҳвол саноат молларини етарли даражада олиб келинмаётганлиги билангина эмас, совхозлар базаларига келтирилган моллар рус аҳолиси томонидангина олиб қўйилмоқда. Ўзбеклар эса саноат моллари келгани ҳақидаги хабарни бундай моллар рус аҳолисига сотилиб бўлинганидан кейингина билмоқдалар.

Совхозларда ғалла сотиш етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги оқибатида ўзбеклар ён-атрофдаги колхозлардан бугдой сотиб олишга мажбур бўлмоқдалар, сотиб олган бу бугдойни совхозга олиб келиш учун ниҳоятда қийналмоқдалар. Чунки бу борада совхозлар маъмурияти ёрдам кўрсатишдан бутунлай бош тортмоқда. Ваҳоланки, совхозларда дон ташувчи отлар мутлақо бекор турибди. Сотиб олиб келтирилган бугдойни ун қилиб беришдан совхозлардаги тегирмон эгалари мутлақо сабабсиз бош тортмоқдалар. Оқибатда ўзбек аёллари бугдойни келиларда туйиб ун қилиб кун кечирмоқдалар. Бундай аҳвол 1-Скадовский пахтачилик совхозида мавжуд.

Кўчириб келтирилганларнинг рус тилини билмаганликларидан фойдаланиб, уларнинг пулидан, иш ҳақидан уриб қолинмоқда, уларга ноқонуний ҳар хил жарималар солинмоқда, маҳсулотларга ўзлари истаганча қиммат, нотўғри нархлар қўйиб сотмоқда. Бу аҳвол Скадовский районидаги пахтачилик совхозларида, «Коминтерн» совхозида мавжуд.

Ўзбеклар чўчқа гўштини емасликларини била туриб ўзбек бригадаларида тракторчиларга тушликни чўчқа гўштидан тайёрламоқдалар, бунинг оқибатида ўзбек тракторчилари далада тушлик қилишдан бутунлай воз кечмоқдалар. (4-бўлимдаги Қаюмов бригадаси). Шуниси характерлики, назоратчимиз «3-бўлимда ишчилар сони қанча?» деб савол берганида бўлим агрономи Суликов «5 ишчи бор, қолганлари ўзбеклар» деб жавоб қилди.

Одамларга нисбатан бундай ноинсоний муносабатни кўчириб келтирилганларнинг турар жойларининг ниҳоятда аянчли аҳволда эканлигидан ҳам билса бўлади.

Ўзбек оилалари нураб бораётган шароити оғир уйларда аянчли ҳолатда кун кечирмоқдалар. 1-Скадовский совхозида 15-18 кв.м. майдонда 8-10 киши яшамоқда. Отажон Боязовнинг 10 кишидан иборат оиласи 18 кв.м. жойда кун кечирмоқда.

Нурмат Боротбоевнинг 9 кишидан иборат оиласи 15 кв.м. майдонда яшамоқда. Уйлар ниҳоятда ифлос, уй деразаларига ойна солинмаган. Кўчириб келтирилган одамлар ўзлари яшаб турган харобдан-хароб уйларида ўзларининг шахсий майда ҳайвонларига ҳам жой бериб яшамоқдалар.

Скадовский совхозида 1933 йилдан бери ҳаммом қурилмоқда, ҳозирда ҳам тугалланган йўқ. Фақат иккита бўлимда ҳаммом учун мосланган ёпиқ жой бор, ишчиларнинг кўпчилиги ва уларнинг оилалари эса ҳаммомда ювиниш имконига эга эмас. Хусусан, қишда бунинг ҳеч қандай иложи йўқ.

Мазкур 4 та совхоз бўйича маданий хизмат кўрсатиш учун йилига 2 миллион сўмдан иборат катта маблағ ажратилмоқда. Ўзбекларга маданий хизмат кўрсатиш иши эса ёмон ҳолатда. Ёши 16 дан 50 гача бўлган ўзбекларнинг 33 фоизи саводсиздир, шундан 610 киши (40 фоиз) 16 ёшдан 30 ёшгача ўсмирлар. Мактаб ёшидаги болаларнинг 7 фоизи мутлақо мактабга жалб этилмаган. Ўзбек мактабларидаги таълим-ўқув ишларининг аҳволини бирор кимса текширмайди ва бу ишга ҳеч ким раҳбарлик қилмаяпти ҳам.

Ишлаш учун кўчириб келтирилганларга тиббий хизмат кўрсатиш, Каховский совхози бундан мустасно, ўта қониқарсиз даражада. Бундай ночор аҳвол ўзбек аҳолиси орасида туғилишга қараганда ўлим миқдорини орттириб юборди. 1935 йилда 247 киши туғилган бўлса, яъни бу аҳолининг 2,7 фоизини ташкил этгани ҳолда 407 киши ўлган (аҳолининг 4,5 фоизи).

1936 йилда 260 киши туғилди ва 291 киши ўлди ёки ўзбек аҳолиси орасида туғилиш 3,4 фоизни, ўлим эса 3,7 фоизни ташкил қилган.

Совхозлардан ўзбекларнинг қочиши ўсиб бормоқда. Агар 1936 йили Каховский совхозидан 17 киши қочган бўлса, 1937 йилда эса 1-кварталнинг ўзида 16 киши қочган. «Коминтерн» совхозидан эса 1936 йилда 58 киши, 1937 йил 1-кварталида эса 35 киши қочган. Скадовскийдаги иккита совхозда 1936 йилда 25, 1937 йил 1-кварталида 11 киши қочган.

Айни вақтда кўчириб келтирилган ўзбекларнинг кўпчилиги ҳалол меҳнат қилмоқда, улардан кўплари эса жуда ҳам яхши натижаларга эришди. 1-Скадовский совхозида 1936 йили дала бригадаларига биркитилган 532 ўзбек кишисидан 71 фоизи пахта қаторларига ишлов беришнинг белгиланган нормасини режадан ошириб бажарганлар. Улардан 162 киши режани 150 фоиз, 173 киши 150 дан 200 фоизга ва 37 киши нормани 200 фоиздан орттириб бажарган.

Пахта терими мавсумида ҳар бир киши 16 центнер пахта териши норма қилиб белгиланган ҳолда теримчиларнинг 60 фоизи нормани ошириб бажарди, улардан 165 киши нормани 150 фоизга, 80 киши 150 дан 200 фоизга ва 49 киши нормадан ошириб бажардилар.

Ишлаш учун кўчириб келтирилганларнинг кўпларининг ҳуқуқлари ҳозирнинг ўзида тикланди ва паспорт олдилар. Шу боис шароит ўзгартирилмас экан, совхозлар ишчи кучисиз қолишлари мумкин.

Ўртоқ Черновга совхозлардаги мавжуд аҳволни ўзгартириш ва айбдорларни жавобгарликка тортиш вазифасини юклаш зарур. Одесса областидаги пахтачилик совхозларидаги бу аҳвол билан Украина Коммунистик (большевиклар) партияси Марказий Комитети ҳам қизиқиб иш тутса мақсадга мувофиқ бўлур эди».

1937 йил бошланиб, «халқ душманлари» ни излаш, уларни қамаш ва отиш кампанияси авж олди. СССР ички ишлар Халқ комиссари Николай Ежовнинг Сталин маъқуллаган 00447-сонли буйруғи чиқди. Унда 4 ой ичида 268950 кишини қатағон қилиш, 75950 кишини отиш кўрсатилди. Айрим республикалар партия ташкилотларига бу рақамлар камлик қилди. Шу боис лимитни кўпайтиришни талаб қилди. Махсус хизматдагилар эса бундай талабни қондиришни узоққа чўзмадилар. 1938 йил 31 январда СССР НКВДси қатор ўлка, вилоят ва республикаларга қатағон қилинадиганлар миқдорини кўпайтириш бўйича фармойиш берди. Украинага 1-категория (отув) бўйича 6000 кишига қўшимча разнарядка берилди. Бу мудҳиш «режа»ни бажариш қисман Херсон вилоятидаги ишлаш учун кўчириб келтирилган ўзбеклар, ўзбекистонликлар ҳисобидан ҳам амалга оширилди.

НКВДнинг Голопристан райони бўлими 1937 йил 9 январида Ёқубжон Муҳаммаджоновни ҳибсга олди. Айблов анкетасида шундай кўрсатилган:

1881 йили туғилган, Ўзбекистон ССР, Андижон шаҳридан. Ҳозирча Михайловка посёлкасида «Коминтерн» номли пахтачилик совхозида яшайди, ишлайди, касби пахта терувчи, собиқ ҳолати савдогар, қулоқ, сиёсий ўтмиши пахта савдогари, миллати ўзбек, маълумоти қуйи, партиясиз. Қулоқ қилинмасдан олдин 2 таноб ери, 1 оти бўлган, ерида ёлланма ишчи ишлаган, соғлом, суд қилинмаган. Оила аъзолари: хотини Пайзихон 32 ёшда, «Коминтерн» совхози артелида пайпоқ тўқийди, қизи Холияхон 2 ёшда, қизи Олия 10 ёшда, Мулия, Робия исмли кичик ёшдаги қизлари бор. Улар бирга Михайловка посёлкасида яшайди.

Ёқубжон Муҳаммаджоновнинг айби Украина ССР жиноят кодексининг 54-11-моддаси билан белгиланган. Айбланувчи араб имлосида имзо қўйган.

Унга Одесса вилояти НКВДси қошидаги учлик судининг 1937 йил 9 августдаги қарори билан 10 йил қамоқ жазоси берилди.

Соҳиб Исоқов, 1937 йил 16 февралда қамоққа олинган. 1884 йили Андижон шаҳрида туғилган, собиқ қулоқ, савдогар, ёғ ишлайдиган корхонага эга бўлган, ўзбек, 1 сигир, 1 бузоқ, 1 бўқаси бўлган, грижа касаллигига чалинган. 1931 йили қулоқ қилиниб Голопристан райони, Михайловка посёлкасига келтирилган, касби қора ишчи, пахтачилик совхозида қора ишчи бўлиб ишлайди. Унинг оила аъзолари: хотини Тошбуви 51 ёшда, ҳеч қаерда ишламайди, ўғли Абдулахат 24 ёшда, «Коминтерн» совхозида ишлайди, ўғли Муҳаммадшариф 17 ёшда, ўқийди, қизи Озодахон 22 ёшда, набираси Мамажон 6 ойлик, Абдулҳамид 5 ёшда. Ҳаммалари Михайловка посёлкасида яшаганлар. Анкета имзоси араб имлосида қўйилган. Анкета мазмуни билан маҳбусни тилмоч Абдураҳмон Ҳайдаров таништирган. Учлик қарори билан 1937 йили 9 августда Исоқов Соҳибга 10 йил қамоқ жазоси берилди. Унинг айби ҳам жиноят кодексининг 54-11-моддаси билан белгиланди. (Херсон вилояти давлат архиви, 4033-жамғарма, 7-рўйхат, 565-иш, 22-36-варақлар).

Бурҳон Султонов Андижон округи, Сталин райони, Насридинбек қишлоғидан, 1931 йили қулоқ сифатида Украинага сургун қилинган, Каховский районидаги Сергеевка қишлоғи, пахтачилик совхозига ўрнашиб, шу жойда яшаган, пахта бригадири бўлиб ишлаган. Унинг қарамоғида 50 ёшли онаси Хусниҳон, 27 ёшли хотини Тўтихон, 8 ёшли қизи — Шарофатхон, 6 ёшли қизи — Мунисхон, 1 ёшли ўғли — Зайлан бўлган.

Мирзамўйдин Муродов Андижон шаҳридан, 1906 йили туғилган, 1931 йили қулоқ қилинган, Херсон округи Голопристан районидаги «Коминтерн» номли пахтачилик совхозида бригадирлик қилган. Унинг оиласида хотини Сайёрахон уй ишлари билан шуғулланади, қизи Озодахон 3 ёшда, ўғли Яхшикелди 4 ойлик. М. Муродов чаласавод, партиясиз бўлган.

Нормирза Холиқов ҳам Андижон шаҳридан бўлган, 1904 йилда туғилган, саводсиз, партиясиз, қулоқ сифатида 1931 йили сургун қилинган. Голопристан районидаги «Коминтерн» номли пахтачилик совхозида бригадирлик қилган. Оила аъзолари: хотини — Ширмонхон, уй ишлари билан банд, қизи Рисолатхон 3 ёшда, қизи Улфатхон 2 ёшда. (Херсон вилояти давлат архиви, 4033-жамғарма, 7-рўйхат, 7529-иш).

Андижон округи Ленин райони Буштон қишлоғидан Сойибжон Иброҳимов (1910 йилда туғилган) қулоқ қилиниб, Херсон округи Каховский районига сургун қилинган.

Хўжамқул Хасанов ҳам Ленин райони Қурама қишлоғидан, қулоқ қилинган. Каховский районидаги 2-совхозда ишлаган. У 1907 йилда туғилган, турмуш ўртоғи Саодатхон 27 ёшда, уй ишлари билан шуғулланган, чаласавод, партиясиз. Уйи тинтув қилинганда бор йўғи 1 та бузоғи бўлганлиги аниқланиб, у ҳам тортиб олинган.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
Бобур номидаги Андижон давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси профессори, тарих фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

(Давоми бор.)

Кетган «қулоқлар»

Внимание: аукцион!

Ташкентский городской муниципальный биржевой центр проводит 24 декабря 1999 года, 14 и 28 января 2000 года в 10 часов аукционные торги.

На торги выставляются:

Автотранспортные средства, принадлежащие

1. Ташкентскому городскому управлению налоговой инспекции
— автомобиль «Эсперо 2.0 СД А/Т», гос. № 10 AG 227, стартовая цена 1675850 сумов;
— автомобиль «Эсперо», гос № 0140 ТНС, стартовая цена 2132900 сумов.
2. Хамзинской налоговой инспекции
— автомобиль «Эсперо 2.0 СД А/Т », гос № 2258 ТНД, стартовая цена 1675850 сумов;
— автомобиль «3 ГТ 0600» (микроавтобус), гос. № 3633 ТНД, стартовая цена 1108000 сумов.
3. Республиканскому тестовому центру при Кабинете Министров Руз.
— автомобиль «TOYOTA», гос.№ 10AF 184, стартовая цена 1160292 сума.
4. Чиланзарскому управлению по озеленению
— автомобиль «ГАЗ-2411», гос № 1343 ТНА, стартовая цена 11982 сума.
5. Хамзинскому отделению Народного банка
— автомобиль «УАЗ-31514», гос. № 1604 ТНД, стартовая цена 523162 сума.
6. Юнусабадскому отделению Народного банка
— автомобиль «УАЗ-31514», гос. № 1612 ТНД, стартовая цена 560531 сум.
7. Мирзо Улугбекскому отделению Народного банка
— автомобиль «Москвич-2141», гос № 1074 ТНД, стартовая цена 161944 сума.
8. Акционерному обществу «Узбеккабель»
— автомобиль «ВАЗ-2109», гос№ 7582 ТНБ, стартовая цена 298163 сума;
— автомобиль «ВАЗ-21093», гос № 7585 ТНБ, стартовая цена 238531 сум;
— автомобиль «ГАЗ-31029», гос № 2785 ТНБ, стартовая цена 324652 сума;
— автомобиль «ГАЗ-2410», гос № 0691 ТНБ, стартовая цена 140683 сума;
— автомобиль «Москвич -2112», гос № 8286 ТНБ, стартовая цена 110111 сума;
— автомобиль «Москвич-21412», гос № 1185 ТНБ, стартовая цена 82583 сума;
9. Ташкентскому Авиационному институту
— автомобиль «ТИКО», гос № 2379 ТНБ, стартовая цена 428095 сумов

Объекты недвижимости:

— незавершенный строительством коттедж № 1, расположенный по адресу: г.Ташкент, Шайхантохурский район, ул Батумская. Стартовая цена 4661150 сумов;
— незавершенный строительством коттедж № 2, расположенный по адресу: г.Ташкент, Шайхантохурский район, ул Батумская. Стартовая цена 1217520 сумов.

Имущество предприятий, объявленных банкротами:

— часть здания АБК с автогаражом и транспортными средствами АООТ «КСМ» ПСМО «Водстрой», расположенного в Южной промзоне Сергелийского района, стартовая цена 17000000 сумов;
— территория БРУ с механизмами АООТ «КСМ» ПСМО «ВОДСТРОЙ», расположенного в Южной промзоне Сергелийского района, стартовая цена 8000000 сумов;

Здание АООТ «Санут, расположенное в Яккасарайском районе, ул Мукими, 1-пр.д.13, стартовая цена 8000000 сумов.

Головное предприятие ОАО «Эталон», расположенное в Мирзо Улугбекском районе, ул. Исмоил-Ота, д-1 «а», стартовая цена 61000000 сумов.

Производство АООТ «Курганчи каноп заводи», расположенное в Нижне-Чирчикском районе, пос. Курганчи, стартовая цена 41056000 сумов.

Производство АООТ «Янги ҳаёт каноп заводи», расположенное в Нижне-Чирчикском районе, стартовая цена 177802000 сумов.

Производство АООТ «Гул каноп заводи», расположенное в Нижне-Чирчикском районе, стартовая цена 14911000 сумов.

Объекты недвижимости и имущество предприятий, имеющих задолженность перед бюджетом:

— зона отдыха «Строитель», принадлежащая АООТ «Ташпромгражданстрой», расположенная в Ташкентской обл., Бостанлыкский район, село Қызил-сув. Стартовая цена 20410500 сумов.
— незавершенное строительством здание цеха товаров народного потребления, принадлежащее КПТП «Аззат», расположенное в Сергелийском районе, Сергелийская промзона, ул Бешкентская. Стартовая цена 3400000 сумов.

Приобретение права пользования земельными участками в г. Ташкенте на условиях долгосрочной аренды под строительство объекта, состоящего из пяти блоков.

Земельные участки расположены в Чиланзарском районе, ул Кат артал. Общая площадь — 0.16 га.

Стартовая цена на право пользования земельными участками под строительство:
Блока А — 127 045 сумов;
Блока Б — 127 045 сумов;
Блока В — 127 045 сумов;
Блока Г — 127 045 сумов;
Блока Д — 127 045 сумов.

Земельные участки под индивидуальное жилищное строительство, передаваемые в пожизненно-наследуемое владение граждан, площадью 400.0 кв.м., расположенные на массиве Сергели-14 «а» Сергелийского района. Стартовая цена одного земельного участка 224449 сумов.

Прием заявок на участие в аукционе по земельным участкам прекращается за трое суток до начала проведения аукциона.

СПЕШИТЕ, ЭТО ВАШ ШАНС!

Наш адрес: г. Ташкент, ул . А. Кадыри, дом 13, ком. 1
Телефоны для справок: 144-51-74, 144-56-72, 144-43-77

«Ўзенгилсаноат» уюшмаси

барча манфаатдор ташкилотлар ва хусусий корхоналарни енгил саноат маҳсулотларининг 2000-йилга улгуржи савдоси бўйича

республика ярмаркаси

ишида қатнашишга таклиф этади

Ярмаркада жами миқдори 63 миллиард сўмлик газламалар ва иплар, тўқимачилик ва атторлик моллари, кийим-кечак, пойафзал, гиламлар, чинни буюмлар савдоси бўлади.

Ярмарка 1999 йилнинг 15 декабридан 18 декабригача «Ўзбекенгилсаноат» уюшмасининг Тошкент шаҳар, Бобур кўчаси, 45-уйда жойлашган кўргазмалар залида ўтказилади.
Маълумотлар учун телефон: 152-52-87

Огаҳий таваллудининг 190 йиллигига

«Лек яхшилик қилишдан тўхтамагил, қайтмагил»

Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли — Огаҳий (1809-1847) Шарқ халқлари маънавий-маърифий тараққиёти тарихида Алишер Навоийдан кейин алоҳида нуфуз ва ўринга эга бўлган мўътабар сиймо.

Огаҳийнинг тоғаси Шермуҳаммад Мунис Хоразмий машҳур шоир, олим ва машшоқлар билан яқин алоқада бўлиб, улар тез-тез Мунисниг ҳовлисида тўпланишиб адабиёт, санъат ва маънавият билан боғлиқ турли илмий мавзуларда суҳбатлар ўтказиб туришган. Табиийки, Огаҳийнинг адабиёт, санъат ва маънавиятга қизиқишида бундай адабий, илмий мунозаралар муҳим аҳамият касб этган. Огаҳий тоғаси Мунисдан ажраб қолган чоғида 20 ёшга етган навқирон йигит ва истеъдодли шоир сифатида танилган эди. Мунис берган 17 йиллик чинакам таълим-тарбия ва ўзининг зийраклиги туфайли у анча билим ва тажриба орттира олган эди. Огаҳий 14-15 ёшлариданоқ тоғаси Мунисга эргашиб мироблик санъатини эгаллашда, ўлчовлар ўтказишда қатнашган. Тоғаси Мунисниг ўрнига бош мироб лавозимига тайинланиши ҳам бежиз эмас эди. У мироблик лавозимида 40 йилдан зиёд хизмат қилди.

Огаҳийнинг ўзбек ва форс тилларида яратилиб, адабий меросини ўз ичига олган «Таъвизул ошиқни» («Ошиқлар тумори») девони 22 жанрга оид 18000 мисра шеърлардан иборат. Девондаги 1300 мисрадан иборат шеърлар «Ашъорий форсий» номи билан машҳурдир. Шоирнинг бу девонига кирган шеърларида чуқур фалсафийлик ва халқчиллик, инсонпарварлик, ҳалоллик, маърифатпарварлик ғоялари, юксак одоб-ахлоқли ва ҳар жиҳатдан камолотга эришган инсоннинг жамиятда тутган ўрни фалсафий тарзда талқин этилади.

Огаҳий шатранж ўйини қоидаларидан фойдаланиб ўзининг сиёсий-ҳуқуқий ғояларини илгари суради. Адолатли, тўғри сўз киши руҳга ўхшатилади. Руҳ фақат тўғри юрганлиги учун шоҳдан узоқда шатранж тахтасининг бурчагига тиқилиб қолгандир. Шоҳ атрофидаги амалдор лаганбардорлар фарзинга ўхшайди. Фарзин эгри юради, ҳамма нарсага мойил бўлганлиги учун шоҳ ёнидан жой олган.

Шахмат тахтаси — бу жамият, ҳаёт оқими, руҳ эса шу жамиятнинг қўрғони ва қалқонидир, ҳаёт гўзаллигини доимо сақлаб туради, жамиятнинг устунлари сифатида майдонга чиқади. Шоҳ ва фарзин шу жамиятда юқори мансабга эга бўлса-да, жамиятнинг устунлари бўлаолмайди.

Гастравлик Огаҳий, руҳдек сани солмиш йироқ,
Қурби шоҳ топгай эдинг кажрав эсанг фарзин каби.
Руҳ каби шаҳдин йироқ ўлмай десанг бу арсада,
Ҳар тарафга мойил ўл, андоқки, фарзин, эй кўнгил.

Шоирнинг тўғри сўз ва адолатпарвар кишилар ночор турмуш кечирсалар-да, мартаба, мансаб олиш учун ҳақиқат ва адолатдан воз кечмаслиги, улар дунёнинг мавжудлигини ва ҳаётнинг гўзаллигини сақлаб туради, улар руҳ каби мангу яшайди, деган сиёсий-ҳуқуқий фикрларида ҳаёт ҳақиқати, адолат, эзгулик тантанаси устунлигини кўрамиз.

Маълумки, Огаҳийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти Хоразмда саккиз подшоҳ — Муҳаммад Раҳимхон I (1806-1825), Оллоқулихон (1825-1843), Раҳимқулихон (1843-1846), Муҳаммад Аминхон II (1846-1855), Сайид Абдуллахон Қутлуғмуродхон (1855), Қутлуғмуродхон Ибодулла бей ўғли (1855), Сайид Муҳаммад Раҳимхон ўғли (1856-1863) Муҳаммад Раҳимхон II Ферузнинг (1863-1910) ҳукмронлик даврига тўғри келади. Табиийки, Огаҳийнинг шеърий ва тарихий, маънавий-маърифий меросида Хоразм ҳукмдорларининг деярли барчасига бағишланган кўплаб асарлар учрайдики, шоир бу асарларида кўпчилик Шарқ мутафаккирлари сиёсий-ҳуқуқий фикрларини давом эттириб, одил ва маърифатпарвар шоҳ бошчилигидаги давлат тузумини ўрнатиш ҳақидаги ғояни илгари суради. Унинг фикрича, ҳукмдор, яъни подшоҳ уч фазилат — олий насаб, илму маърифат ва ҳарбий маҳорат соҳиби бўлмоғи зарур. Шу муносабат билан Огаҳий «Зубдат ут-таворих» («Тарихлар моҳияти») асарида Муҳаммад Раҳимқулихоннинг насабига алоҳида урғу беради. Раҳимқулихоннинг маънавият, илму маърифат ва ҳарбий санъатда ҳам камолотга етган ҳукмдор эканлигини Огаҳийнинг қуйидаги сўзлари тасдиқ этади: «Чун ул ҳазрат туфулият айёми шабистонидин хуруж қилиб, шабоб ҳангоми гулистонига уруж этди, илму камол иртиқоби ва фазлу афзол иқтисобиға саъйи тамом била иштиғол кўргузуб оз муддатда улуми шаръия вақтида мушор илайҳ ва масоили диния муҳофаза затида муътамал алайҳ бўлди... Хусусан, таворих ва қасоид ва масновийёт ва ғазалийот ва жамиъ шеър улумининг қавоидига маҳорати тамол ҳосил қилиб, дақиқфаҳмлик ва назокатшунослиг ва латифагўйлик фунунида ул миқдор авжи эътиборга чиқтиким, жаҳон фозиллари ва замон комиллари ўз ажзига қойил бўлиб, ул ҳазрат соҳиби суҳбатида гўё лиғ тилин хомушлиғ тамоқиға тиқдилар».

Огаҳий ҳар бир фикрини Қуръони карим оятлари ва пайғамбар алайҳиссаломнинг бир соатлик адолат бир умрлик нафл ибодатдан афзал эканлиги тўғрисидаги ҳадиси шарифларини далил сифатида келтириб, Раҳимқулихонни давлатни бошқаришда адолатли сиёсат юритиб, Тангри таолонинг розилигини топишга даъват этади.

Шунингдек, Огаҳийнинг «Гулшани давлат» тарихий асаридан ўрин олган 138 байтдан иборат «Аё хусрави маъдалат дастгоҳ» мисраси билан бошланувчи масновийси ўн тўққиз ёшида подшоҳлик тахтига ўтирган Муҳаммад Раҳимхон — Ферузга бағишлангандир.

Огаҳий ёш ҳукмдор Ферузга салтанатни бошқариш, адолатли ва элпарвар; халқ ғамини, дардини ўз дарди деб биладиган фуқаропарвар бўлишга йўл-йўриқлар, ўгиту насиҳатлар беради. Сўнгра Огаҳий оламда не-не шоҳлар ўтганлигини ёш ҳукмдорга уқтирадики, бири адолатли, яна бири шафқатли бўлиб, элим, халқим деб, унга роҳату фароғат бахш этади, бири золиму ситамкор бўлиб, халқни жаҳолат, ранжу меҳнат билан эзиб, азоб беради. Халқ адолатли, илму маърифатли, покдил шоҳга раҳматлар айтиб дуога қўл очса, шафқатсиз, адолатсиз ҳукмдорга лаънатлар айтадики, кўпнинг дуоси ва қарғиши ижобат бўлгусидир. Бу фоний дунёга меҳмонлигимиз унутилиб, яхши шоҳни ҳам, ёмон шоҳни ҳам ер ўз қаърига олганлигини афсус билан қайд этади. Шоир ёш ҳукмдорга: «Шундай экан, сенга насиҳатим, сен ҳушёр ва адолатли бўлгин! Сендан эзгулик ва яхши ном, яхши ишлар қолсин, «Яланғоч келган инсон, яланғоч кетар», бир куни сени ҳам қаро ер ўз бағрига олгусидир», — дейди.

Барча-барчасига бу фоний дунё ўз зулмини ўтказди. У юрт ҳукмдори, эл юрт фидойиси демади? Вақти соати билан ажал соқийси шаробин ичиб, омонатларини топшириб, узлатга юз қўйдилар. Бу дунёда ҳаёсизлар, вафосизлар беҳисоб, сон-саноқсиз. Ўзингдан қолмагин, улардан яхшилик ҳам, оқибат ҳам кутмагил, лек яхшилик қилишдан тўхтамагил, қайтмагил. Бу дунёда яхшилар кўп. Яхши топса муродини, бахтини, ғанимлари, душманлари бахтини кўролмайди, бу бахтни шўрбахт қилиш ниятида бўладилар. Борлар беролмайди, йўқлар кўролмайди. Ютуқлардан, зафарлардан шодланса кимсалар, бу шодлигини заҳарга айлантирувчи ёвузлар қанчалар... Сув келтирган хору, кўза синдирган азиз... — дейди шоир.

Огаҳий ҳукмдор Ферузни давлат равнақини юксалтирувчи қоидаларга амал қилишда ва салтанат юксалишига тўсиқ бўлгувчи ишлардан огоҳ бўлишида оқ йўл тилаб, куну тун доим қўлим дуодадир деб, ёш ҳукмдорнинг ишларига ривож тилайди.

Огаҳийнинг хизмати шундаки, баркамол инсон ва унинг ақли ва қудратига юксак баҳо берган ҳолда, илм-маърифатни эса жаҳолат ва нодонликдан қутулишнинг энг қулай воситаси деб тушунади. Шу боис ҳам Огаҳий араб ва форс тилларидан ўзбек тилига таржима қилган Муҳаммад Юсуф Мунши ибн Хўжа Баҳодирнинг «Тазкираи Муқимхоний», Низомиддин Аҳмад бинни Муҳаммад Муқим Хиротийнинг «Табақоти Акбаршоҳий», Муҳаммад Мадҳий Астрободий бинни Муҳаммад Носирнинг «Тарихи Нодири», Мирхонднинг «Равзат ус-сафо», «Зафарнома», Абдураҳмон Жомийнинг «Ҳафт авранг», «Баҳористон», «Юсуф ва Зулайҳо», Шайх Саъдийнинг «Гулистон», шунингдек, «Бадоеъул вақоеъ», «Анвори сухайлий», «Ҳафт кишвар», «Ахлоқий Муҳсиний», «Зубдат-ул ҳикоят», «Қобуснома» каби маънавий-маърифий ва тарихий-дидактик асарлар XIX асрдан то шу кунгача китобхонларнинг доимий ҳамроҳи, қалб йўлдоши, ёшларимизга эса одобнома бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Огаҳийнинг «Фирдавсул иқбол», «Риёзуд-давла», «Зубдат ут-таворих», «Жомеъ - ул-воқеоти Султоний», «Гулшани давлат», «Шоҳиди иқбол» каби тарихий асарлари XVIII-XIX асрлар Хоразм тарихини холисона ёритишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Бу тарихий асарларда ўзаро қонли урушлар, тож-тахт учун ўзаро курашлар, Хива хонлигидаги турли табақадаги кишиларнинг турмуш тарзи, фуқароларнинг ночор аҳволи, ижтимоий-сиёсий тузум, маданий ҳаёт, илму маърифат аҳллари турмуши ишонарли тарзда ёзилган. Биз Огаҳий қаламига мансуб бу тарихий асарларни ўқир эканмиз, муаррих бунда тарихнавис олим, ҳам сиёсатшунос, ҳам ёзувчи ва педагог бўлиб гавдаланади. Тарихнавис олим сифатида у саналар, жуғрофик жойлар, содир бўлган воқеалар ҳақида аниқ маълумот беришга интилса, сиёсатчи сифатида хонликда бўлаётган ишлар, ўзгаришлар, ҳукмдорларнинг фаолиятини баён қилади, шоир ва мураббий сифатида халқни жаҳолатдан қутулишга даъват этади.

Хулоса шуки, Огаҳий башорат қилиб айтганидай, инсоннинг сўз ва руҳ жипслиги, лафзи, ҳалоллиги, фаҳму фаросати, самимияти, саховати, қилган яхши ишлари ва эзгуликлари дурдона асарлари ва сўзлари қатидаги ҳақиқат бўлиб, асрлар оша боқий яшаб не-не тўфонлару қирғинлардан омон қолиб, авлодларга етиб келади.

Солижон ҲАСАНОВ,
Тошкент давлат юридик институти доценти

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43

Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Қўчқор НОРҚОБИЛ*, навбатчи *Шукур ЖАББОРОВ.*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида, А—2 форматда, 16.512 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0985

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 2.00
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Корхоналар, савдо ташкилотлари, фирмалар ва хусусий тадбиркорлар диққатига!

ЯНГИЙЎЛ «АПКО ЛАЗЗАТ» ҚАНДОЛАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

Корхонада ишлаб чиқарилаётган экологик жиҳатдан энг тоза ва сифатли қуйидаги халқ истеъмоли маҳсулотларини чекланмаган миқдорда

СОТАДИ:



Карамеллар:
1. «Олма»
2. Мева данакли тўплам
3. «Ўйинчоқ»
4. «Гулзор»
5. «Олтин калитча» ирислари

Конфетлар:
1. «Нафис»
2. «Анись»
3. «Малика»
4. «Лочин»
5. Оддий этикеткали «Лочин»
6. «Спектр»
7. Оддий «Қорақум-2»
8. «Истиқлол»
9. «Коинот»
10. «Мишка косалапый»
11. «Ананасли »
12. «Мишка на севере»
13. Импорт этикеткали «Наво»
14. «Олтин қуш»
15. Оддий «Семурғ»
16. «Зумрад»
17. «Наврўз»
18. Импорт этикеткали «Малика»

Печеньелар:
1. «Камола»
2. «Баҳор»
3. «Қувончли»
4. 125 граммли «Қувончли»
5. «Осеннее»
6. «Тантана»
7. «Жониворона»
8. «Крокет»
9. «Тонг»
10. «Барака»
11. «Лаззат»

Вафлилар:
1. «Апельсинли»
2. «Лимонли»
3. 125 граммли «Лимонли»
4. «Шарқ»
5. «Ёқимтой»
6. «Мевали»
7. Весенние



Нон ва ун маҳсулотлари учун ишлатиладиган 1 килограммли ва қуритилган хамиртурушлар ҳам харидорларга таклиф этилади.

Тўлов усули — пул ўтказиш йўли билан.

АПКО «Лаззат» қандолат ишлаб чиқариш акционерлик жамияти мижозлари диққатига!

Корхона асримизнинг сўнгги — 2000-йили учун барча савдо ташкилотлари, фирмалар ва хусусий тадбиркорлар билан ўз маҳсулотини сотиш юзасидан йиллик шартномалар тузишни бошлаб юборди.
Янги йилнинг дастлабки кунларидан кечикмай биз билан шартнома тузишга шошилинг!
Экологик тоза ва сифатли маҳсулотларимиз сизга мунтазир!

Мурожаат учун манзил: Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, «Лаззат» кўчаси, 1«а».
Маълумот учун телефонлар: (код 8-260) 26-948, 26-945, 26-946, 26-668, 26-901, 26-910, 26-783, факс: 28-234.

Организация реализует растворитель 646
Тел: 45-56-65.

«Мулоқот» журнали ижодий жамоаси журнал таҳрир ҳайъатининг аъзоси, таниқли адиб Маҳкам Маҳмудовга рафиқаси **Ойдинхон МАҲМУДОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Низомий номли Тошкент давлат педагогика университети ректорати, жамоат ташкилотлари ва фалсафа кафедраси жамоаси фалсафа кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди Дилбар Ўриновна Қўлдошевага падари бузруквори **ЎРИНБОЙ отанинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана» ва «Осиё бозори» газеталари жамоаси таҳририятнинг Тошкент вилояти бўйича махсус мухбири Соҳибжон Салимовга бобоси **Шотир ота НИЁЗОВнинг** вафот этганлиги сабабли чуқур таъзия билдиради.